

## КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУНОЗАРАЛИ УСУЛ ВА ТАШКИЛИЙ БОСҚИЧЛАРИ

*Алибоев Турғун Чиндалиевич*

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, “Технологик таълим” кафедраси катта ўқитувчиси, Жиззах, Ўзбекистон*  
*e-mail:turgun@jspi.uz*

**Аннотация:** Шахсда у ёки бу сифатларни шакллантириш (ривожлантириш) жараён бўлиб, муайян босқичларда кечади. Ўқувчиларда креатив сифатларни ривожлантириш ҳам босқичма-босқич ташиқил этилувчи жараёндир. Ҳар бир босқичда мақсаддан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалар ҳал этилади. Моҳиятига кўра ўқувчиларда креатив сифатларни ривожлантириш жараёни тўртта босқичда кечади. Босқичлар мослашув (адаптив), ривожлантириш, амалий-фаолиятли, таҳлилий-баҳолаш характериға эға. Мақолада ўқувчиларда креатив сифатларни ривожлантириш босқичларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади.

**Таянч тушунчалар:** ўқувчи, креативлик, босқич, ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш, ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш босқичлари.

\*\*\*

**Аннотация.** Формирование (развитие) определенных качеств в личности является процессом, который происходит на нескольких этапах. Развитие креативных качеств в учениках также является поэтапным процессом. На каждом этапе решаются конкретные задачи исходя из цели. По своей сущности процесс развития креативных качеств в учениках происходит на четырёх этапах. Этапы имеют адаптивный, развивающий, практически-деятельностный, а также аналитически-оценивающий характер. В статье речь идёт об особенностях этапов развития креативных качеств в учениках.

**Ключевые понятия:** ученик, креативность, этап, развитие креативных качеств в учениках, этапы развития креативных качеств в учениках.

\*\*\*

**Annotation.** The formation (development) of certain qualities in a person is a process that occurs at several stages. The development of creative qualities in students is also a phased process. At each stage specific tasks are solved based on the goal. By its essence the process of developing creative qualities in students takes place at four stages. The stages are adaptive, developing, practical-active as well as analytically-evaluating in nature. The article is about the features of the stages of developing creative qualities in students.

**Key words:** a student, creativeness, the development of creative qualities in students, stages of developing creative qualities in students.

Бугунги кунда шахсни шакллантириш, ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш муаммоларини тадқиқ этувчи соҳалар – социология,

педагогика ҳамда психологияда “ижодкорлик” тушунчаси билан бир қаторда “креативлик” атамаси ҳам қўлланилиб, баркамолликни ифодаловчи асосий сифатлар тарзида ифода этилмоқда.

Креативлик сифатларини ривожлантиришда самарали бўлган омиллар қаторида яна қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: кенг кўламдаги, шу жумладан, катта ёшли ижодкорлар билан мулоқот; тақлид қилишга имкон берувчи образ сифатида катта ёшлилар муҳитининг мавжудлиги; ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг демократик услубга асосланганлиги; болага ўз фикрини билдириш имкониятини бериш; катта ёшлиларнинг фаол, амалий позицияси; болани жуда ёшлигиданоқ меҳнат қилишга ўргатиш; турли тўғаракларга аъзо бўлишини таъминлаш орқали болада ижодкорлик сифатларини изчил ривожлантириб бориш; болага шахсий тажриба, саёҳат орқали борлиқни англаш қувончини ҳис қилишига имкон бериш; боланинг тадқиқотчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Маълумки, шахсга хос ҳар бир сифат муайян белгилар асосидат намоён бўлади. Педагогика ва психология йўналишларида тадқиқотчилар томонидан шахс креативлигини белгиловчи сифатларни аниқлаш, тизимлаштиришга эътибор қаратилган. Хусусан, О.В.Буторина турли муаллифлар томонидан илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда креативлик негизида акс этувчи белгиларни қуйидагича тизимлаштирган: ижодий лаёқатга эгалик; интеллектуал ижодкорлик; оригиналик, ўзига хослик; бевосита боғланмаган ассоциация; яхлит тизим таркибий тузилмасининг қайта ўзгартирилиши; ахборотнинг одатий бўлмаган ҳолда (махфийлаштирилиши) кодлаштирилиши; дивергент тафаккур (тафаккурнинг кўчиши); ички зиддиятлар натижаси (ёки ички зиддиятнинг йўқлиги); мавжуд билимлар доирасидан чиқиш; муаммоли вазиятни тезкор ҳал қилишга имкон берувчи ноанъанавий фикрлаш ва бошқалар.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда айнан креативлик сифатларини ривожлантиришнинг мунозарали усул ва ташкилий босқичларига тўхталиб ўтамиз.

#### **Услубнинг мақсади:**

- ўқувчиларнинг муаммоли креативлик масалалар ечимини топишдаги фаоллигини тўғри баҳолашга эришиш; ўқувчиларнинг муаммоли креативлик масалалари ечимини топишнинг ҳар қандай вазиятларида маълум услуб ва тамойилларга асосланишини тушуна олишларига муносабатини асослаш; ўқувчиларни фавқулотда вазият ва шароитларда тезкорлик билан

ечимни топиш ҳақида фикр юритиш даражасини аниқлаш; мазкур таҳлиллар асосида тўғрақ аъзолари таркибини шакллантириш.

#### **Услубнинг моҳияти ва таркибий қисмлари.**

Моҳияти – ўқувчиларнинг ўз турмуш тажрибаларига назар ташлаш орқали кўйилган креативлик масаласи ечимини излашдан иборат бўлиб, масала ечимини топиш учун унга бўлган турлича нуқтаи назарлар, фикрлар, қарашлар тўқнашувини вужудга келтиришдан иборат. Бунда эса ўқувчилар ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар, ҳам ўзларининг, ҳам бошқаларнинг қарашларини текшириб кўришларига имконият яратилади. Таркибий қисмлари: ўқувчилар ўйлайдилар, таҳлил қиладилар, мунозара қиладилар; ўқувчилар ҳаётий, ўз ҳаётий тажрибаларидан фойдаланадилар; ўқувчилар битта ечим юзасидан баҳслашадилар; ўқувчилар бошқа нуқтаи назарларни қиёслайдилар.

#### **Мунозарада ўқитувчининг етакчилиги.**

Ўқитувчи аввало ўқувчиларга ўз фикрларини айтиш учун имконият бериши ва уларнинг ўз фикрлаш даражасидан келиб чиқиб айтаётган фикрларини тинглаши керак. Ана шундагина ўқувчилар ва синфдошлари томонидан жиддий қабул қилинаётганини ҳис қилишади. Муҳокама қилишнинг таъсир кучи ўқувчилар томонидан шахсий тажрибаларидан мисоллар келтирилганда янада ошади. Ўқитувчи ўқувчиларга тазйиқ қилмай фаолият юритиши лозим. Бунда ҳар бир кишининг мақсади мавзу муҳокамасига қўшган ҳиссасининг муҳимлиги асосий қоидадир. Баҳснинг мақсади фақатгина тўғри ечимни топиш эмас (шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир ўқувчида ўз фикрининг тўғрилигига ишонч мавжуд бўлади), муҳими ўқувчиларни креативлик масаласи ечими бўйича ўз фикрларини айтишга йўналтира олишдир.


Креативлик масаласи ечимини топиш муҳокамасини тугатишда, турли фикрларни умумлаштириш жуда муҳимдир. Чунки яқунлаш мунозара катнашчиларига баҳс жараёнида ўзига хос тузилиш ва мантиқ мавжудлигини тушунишга кўмаклашади.

Мунозара энг самарали бўлиши уни ташкил қилишнинг қай тарзда бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Илғор педагоглар тажрибаси (Д.П.Марке) га кўра гуруҳ бўлиб ишлаш ўқувчиларни фаол баҳсга тортишнинг ва уларнинг жўшқинлигини оширишнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Гуруҳ бўлиб ишлаш ўқитувчидан ҳам, ўқувчилардан ҳам муайян кўникмаларни талаб қилади. Шунга кўра уни: анъанавий (оддий синфда); давра столи атрофида; алоҳида гуруҳчаларга бўлиниб баҳслашиш; тенгма-тенг баҳслашишлар

кўринишида ташкил қилиш мумкин. Гуруҳ бўлиб ишлаш гапиришга қийналадиган энг тортинчоқ ва уятчан ўқувчилар ҳам “очириб” кетишига ёрдам беради.


**Мунозарада мотивация (қизиқтириш, асослаш) нинг моҳияти ва мезонлари.**

Гуруҳ бўлиб ишлаганда мавжуд ўқувчиларнинг мумкин қадар барчаси катнашса у мувоффақиятли бўлади. Бунинг учун гуруҳнинг 4-5 кишидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Гуруҳларда мувақил ишлаш ва эркин фикр фақат танқид ва янчиб ташлашдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Шу маънода ўқитувчи ўқувчиларнинг мунозарага қўшаётган ижобий ҳиссаларини тўғри таъкидлаб йўналтириб боришнинг аҳамияти катта. Баҳснинг мувоффақиятли бўлиши учун ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибалари ва фикрлашларидан мунозара бошланишининг асоси сифатида фойдаланиш ва ўқувчиларнинг ана шундай мисоллар келтиришини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Бундай рағбатлантириш мезони кетма-кетлигига асосланиши керак



**Сўнги босқич.** Олиб борилган мунозаралар асосида ўқитувчи ўқувчиларни тўғаракка бирлаштиради. Бунда улар уюшган жамоа сифатида креативлик масалалари билан шуғулланадилар. Ҳар бир босқичда педагогик таъсир кўрсатишга қўйиладиган асосий талабларни белгилаш, тўғаракларда ўқувчилар жамоаси меҳнатининг маълум самарали схема ва шаклларида фойдаланишни тақозо этади.

Техник креативлик тўғаракларида бу схема ва шакллар В.А.Горский тавсияси бўйича учта кўринишдан иборат бўлиши мумкин (1-расм):



1-расм. Тўғаракда ўқувчилар жамоаси меҳнатини ташкил қилиш босқичлари. а-“юлдуз”; б- “айлана”; в- “тармоқ”

“Юлдуз” шаклидаги схема бўйича тўғаракнинг ҳар бир аъзоси бир хил креативлик масаласи ечимини топиш билан банд бўлади ва натижалар раҳбарга маълум қилинади.

“Айлана” шаклда ишлашда битта креативлик масала ечими иккинчи масалани ишлаб чиқишнинг бошланиши бўлиб хизмат қилади.

“Тармоқ” схемаси бир неча креативлик масаласи ечимини топиш зарур бўлганда (техник, иқтисодий, экологик ва ҳақозо) қўлланилади.

Бу шакл ўқувчилардан максимал даражадаги мунозара, баҳс, фаолликни, ўзаро ёрдамни ва тўғаракда ишлаётган шахсларнинг иноклигини талаб қилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тўғаракларида раҳбар билан ўқувчиларнинг дидактик ҳамкорлиги ўйин фаолияти шаклида бўлгани энг мувофиқ ҳисобланади.



2-расм. Креативлик масаласи ечимини асослаш босқичлари схемаси

Ўрта ёшдаги ўқувчиларда (техник қурилмаларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш) креативлик масалалари ечими босқичма-босқич ҳал қилинади (2-расм).

Хулоса қилиб айтганда тўғаракларнинг аъзоларини мунозарали усулда танлаб олиш ва ҳар бир турдаги тўғарак йўналишидан келиб чиққан ҳолда, креативлик масалалари ечимини аниқлашнинг босқич ҳамда мувофиқ схемаларини илмий асосда танлай билиш-ўқувчилар креативлик қобилиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ва услубий асоси бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Раджапова З.Т. Дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш: пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис. – Т.: 2020. – 175 б.

2. Рахимов З.Т. Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (касб таълими йўналиши мисолида): пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис. – Т.: 2018. – 49 б.

3. Солдатова Е.Л. Креативность в структуре личности. Автореф. дис.канд. психол.наук. – СПб.: 1996. – С. 18-19.

4. Алибоев Т.Ч. Stages of Developing Creative Qualities in Students. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Vol.21 No.2. July 2020.

5. Алибоев Т.Ч. Ижодкорлик ишларини такомиллаштиришнинг мунозарали ва усул ва ташкилий босқичлари // “Uzluksiz ta’lim” ж. – Т.: 2009. - № 1.

6. Алибоев Т.Ч. Креативлик тушунчасининг моҳияти // “Pedagogika” ilmiy-nazariy va metodik j. – Т.: 2020. - № 2.

7. Алибоев Т.Ч Criteria for assessing the development of creative qualities in students // “Актуальные вопросы современной науки и образования” сборник статей IV международной научно-практической конференции, состоявшейся 5 июля 2020 г. – Пенза: 2020. – с. 231-233.

8. Тагаев, Х., Исмаилов, Т. Д., Алибоев, Т. Ч., & Алимов, Н. (2014). Оценка творческих работ, представленных на смотр-конкурс" Научно

техническое творчество студентов”(НТТС). In *Общество и экономика постсоветского пространства* (pp. 165-170).

9. Aliboyev, T. (2021). ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОНЛАР. *Физико-технологического образование*, (2).

10. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

11. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

12. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

13. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

14. Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРОТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ. *Научное знание современности*, (11), 26-29.

15. Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).

16. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Фойдаланишнинг имкониятлари. *Интернаука*, (43-2), 70-72

17. Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. (2017). ГАРАНТИИ ВНЕДРЕНИЯ НОВОЙ ТЕХНИКИ ПО ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМ ПАКАЗАТЕЛЯМ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1242-1245).

18. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС"

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

19. Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.

20. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).

21. Orishev, J. (2020). Ёшларни касбга йўналтиришда шарқона қарашлар ва педагогик масалалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

22. Orishev, J. (2020). The use of information and communication technologies in the educational process. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

23. Orishev, J. (2020). Criteria for assessing practical work in higher education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

24. Orishev, J. (2020). The main stages of Project Education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

25. Orishev, J. (2020). Роль информационных технологии в подготовке будущих учителей технологического образования. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

26. Orishev, J. (2020). Project Education is a guarantee of educational effectiveness. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

27. Orishev, J. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўстиришга баъзи мулоҳазалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

28. Orishev, J. (2020). Ахборот технологиялари: таълим, касбий тайёргарлик ва сифат. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

29. Sharipov, S. (2020). ПЕДАГОГИКА ИЛМИНИНГ КУДРАТЛИ МАСКАНИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

30. Sharipov, S. (2020). ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАХСИ ТУЗИЛМАСИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

31. Sharipov, S. (2020). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ Т И З И М И. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

32. Sharipov, S. (2020). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ РЕАЛИЗАЦИИ МНОГОУРОВНЕВЫХ ПРОЦЕССОВ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.